

● Тошкентнинг пўлат отлари ишга тушди. Облаstda кун ича салнам 3 процент миқдорида пахта тайёрланди. Зафарли юришингизга оқ йўл, азамат тошкентликлар.

● 2 процентдан ошириб пахта тайёрлаётган қашқадарё, бухоро, фарғоналик пахтакорларга шон-шарафлар.

● Пахтакор ва механизатор ўртоқлар, республика партия ва ҳукуматининг мурожаатига жавобан, терим суръатини ҳамма жойда кун сайин оширайлик, машиналар тўхтовсиз ва унумли ишласин. Сентябрьнинг ҳар бир қуёшли кунидан оқилона фойдаланайлик!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



# СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ  
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши  
№ 219 (13.175).  
18 СЕНТЯБРЬ  
1965 йил  
ШАНБА  
Баҳоси 2 тийин.

## 15 ИШ КУНИДА

## ПЕШҚАДАМЛАР

Самарқанд область Катта-қўрғон районидagi Крупская колхозининг ўзбекистон ССРга хизмат кўрсатган пахтакор Зулхайро Ҳамидова бошлиқ бригадаси ўтган йил 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта тошпириб, ном таратган эди. Бригада бу йил унумдор ернинг бошқа бригадаларга тошпириб, қўриқдан очилган 50 гектар янги ерга чигит эгди. Ҳалол меҳнат яхши самара берди. Колхозчилар мўл ҳосилини йиғиб-теришга уюшқонлик билан киришиб, йиллик пахта тайёрлаш лавини 15 иш кунида бажардилар. Ҳар гектар ердан 23 центнердан ҳосил кўтарилди.

Бу бригадани чевар теримчилар аjoyиб меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Навбатор Кенжаева, Ойдин Умарова, Юлдуз Ҳошимова қабилар шу кунгача 3-3.5 тоннадан пахта тердилар. Дунгдор бригада аъзолари суръатини сира бўшаптирмадилар. Улар Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг мурожаатига жавобан 1 октябргача ҳар гектар ердан яна 8 центнердан пахта териб олиш, ҳосилдорликни гектар бошига камида 35 центнерга етказиш учун астойдил курашмоқдалар.

М. МИРХУЖАЕВ.

Шаҳрисабз районидagi Киров номи колхоз аъзолари катта мақсадларни далага жо етган ҳолда фидокорона меҳнат қилаёттирлар. 1503 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш уларнинг айна мудиаси. Шу кунларда ҳўжалик даладарини қўздан кечирган киши фидокор деҳқонлар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун самарали ишлатганликларини яхши ҳис этади. Аниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор ўртоқ Иброҳимов бошлиқ бригадани терим суръатини кун сайин ортиб бормоқда. Бригада фидокорлари ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб, ҳар кун йиллик лавининг 3-3.5 процентини миқдорда пахта тошпириёттирлар.

Колхозда кўпнинг килограммчилар ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда. Т. Ашурова, Р. Абдуллаева, М. Юсупова қабилар чевар теримчилар лавини 12-14 тоннадан пахта териб олиш, ҳосилдорликни сўз берганлар. Шу кунларда уларнинг ҳар бири хирмонга 180-200 килограмдан «оқ олтин» тўкаёттирлар. Ҳўжаликда 844 гектар майдондаги ҳосил машиналарда теришга мўлажалланаёттир. Катталар машина теримига мослаб қўйилди. «Зангори кема»лар ишга шай.

М. АЗИМОВ.

## ЯНА 10 ЦЕНТНЕРДАН

Ғузор районидagi Карл Маркс номи колхознинг Турсух Ҳанимов бошлиқ бригадаси пахтакорлари аjoyиб муваффақиятларни кўнга киритди. Улар 52 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга 20 центнердан пахта тошпириб, йиллик лавини мўддатидан илгари адо этишди. Бригада коллективини Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг мурожаатига жавобан барча ҳосилини нобуд қилмай, тезорон йиғиб-териб олиш ва давлатга яна ҳар гектар ердан 10 центнер «оқ олтин» сотиш мажбуриятини олдилар.



БАЛИҚЧИ. — Бу йил она-Ватанга 2200 тонна «оқ олтин» тошпириш, пахта тайёрлаш лавини 15 октябрга қадар бажарамиз! — Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг мурожаатидан руҳланган «Октябрь» колхоз аъзолари ана шу широтда йиғиб-терим суръатини тобора оширмоқдалар. Ҳўжалик ҳар кун йиллик лавининг 2 процентини миқдорда ва ундан охири пахта тайёрламоқда.

С. ЯИГНАЛИЕВ.

ҚОРАҚУЛ. «Ўзбекистон» колхозда терим суръатини кун сайин оширмоқда. Ўртоқ О. Махмудов бошлиқ бригада ҳар кун графикада белгилангандан 2-2.5 хисса кўп пахта териб тошпирибди.

Ш. ШЕРНОВ.

ПОП. — 125 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан хирмон кўтарамиз, — дейди «Миссия» колхозининг пешама бригадаси бошлиғи ўртоқ С. Хамидов, — бу маррага етишга ишончимиз қомил. Кунинг йиллик лавининг 3.5-4 процентини миқдорда пахта тайёрлаётганимиз ҳам бунинг кўрсатиб турибди. Барча ҳосилини фидокор сўртларда тошпиришга аҳд қилган бригада аъзолари тезорон маррага етиш учун терим суръатини тобора оширмоқдалар.

Т. ҚУШМАТОВ.

## П Л А Н — Ю З

Давлат пахта сотиш йиллик лавини бажариш, деб республикада биринчи бўлиб галаба рапорти бериш бу йил ҳам бизга насиб бўлди. Совхозчи пахтакорлари давлатга 400 тоннадан зиёда «оқ олтин» сотиш, лавини ошириб бажаришга муваффақ бўлишди.

Бизнинг широнини балмайдиган айрим ўртоқлар атғи 200 гектар ердан 400 тонна пахта териб, бутун республикага довуруқ солиш камтарликдан эмас, дейишлари мумкин. Тўғри, бизларнинг ермиш оза, ундаги пахта тиз йиғиб-териб олиш катта пахтакор ҳўжаликларидаги қаратганда анча осон. Лекин, бизнинг совхоз пахтакор эмас, галабачилик ва чорвачиликка иштирокчилар ҳўжалик. Бизга ва район ташкилотлари ва на бошқа биров пахта акинглар, деб даъват қилган эмас.

Аҳолини ва чорвачиликнинг истеъмоли учунгина «етадидан» булук сувини бир неча метр юқорига чиқариб, сой ёқалари ва қирлиқ йиллардан 800 гектарини ўзлаштирдик. Бултур мамлакатга 260 тонна «оқ олтин» берган бўлсак, бу йил, ма-на, ҳозирнинг ўзида давлатга

400 тоннадан зиёда пахта сотиш, республика партия ва ҳукуматининг мурожаатига жавобан яна 200 тонна пахта териб олишга мўлажалланамиз. Сой бўйида 24 километр масофага қўйиб кетган майда карталарнинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта етиштириш ҳар ҳолда осон иш эмас. Булоқлар сувининг озаби-қуяйиб турлиш, карталарнинг ноқилинги сабабли ғўзамизнинг аксарият қисми бир марта ҳая роса қониб сув ичмагани, 100 гектарга яқин майдон фақат 2 марта сўғорилагани инобатга олинса, гоёт қурғоқ, сергармисел келган бу йилги широнда гектардан 30 центнердан ҳосил етиштирган, 20 иш кунда давлат лавини адо этган ишчиларимизнинг қанчалик фидокорлик ва талбиркорлик кўрсатиб ишлаганларини сезиш қийин бўлмас.

Бу галабага эришгунча Юсуф Худобердиев, Сувоп Давронов, Норқобил Ҳусанов, Турдубой Бердиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари чинакам мардонавор меҳнат қилди-лар.

Табиий қийинчиликларни сабот-матонат билан енгиб, пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг ҳамда теримнинг таъминоти учун ташкилотларнинг таъминлашга қўйиш ва комсомолларнинг шахсий ва мўлаҳазаси кўрсатиб энг қийин ишларини бажарганликларини, совхоз партия комитети ва дирекциянинг ишчилар моддий манфаатдорлигини ошириш, уларнинг унумли ишлаш учун қулай широнлар яратиш чораларини кўрганлари ҳам ҳал қилувчи омил бўлди.

Биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, зимма-мизга олган социалистик мажбуриятини шу ой охиригача тўла бажаришга қарор қилдик.

Совхозимиз азаматлари етти йилдининг сўнгги килини бошқа соҳаларда ҳам қувончли натижалар билан ақунламоқдалар.

Ўрол ЖУМАНОВ,  
Чироқчи районидagi «Восход» совхозининг директори.

Бу теримчиға бир боқинг-а. Одам ўз меҳнатидан мамнун бўлса, унинг завқини сурса, чеҳраси гулгун очилиб кетди. Махфизахон Махмудов Ленин районидagi «Совет Ўзбекистони» колхозининг ўзи бошчилиги қилаётган званоси далада ҳар кун 180-200 килограмдан пахта терипти, пахтазор наъясини сурпти.

Т. Ҳасанов фотоси.

## БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ — СЪЕЗДНИНГ ТЕМАСИ

Тошкент педагоглари болаларнинг оилавий ва юртимон тарбиясига бағишланган биринчи шаҳар съездиға бир неча ой тайёргарлик кўридилар. 17 сентябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида съезд ўз ишини бошлади. Педагоглар коллективлари, илмий муассасалар, партия, совет, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларидан саккиз юзга яқин делегат ва неча юзлаб меҳмонлар съездага тўплангиди.

Москва, Ростов-Дон, Оренбургдан ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан тақлиф этилган олимлар ва педагоглар съездага келишди.

Съездни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов очди. Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири Т. Д. Додоев «Мактаб — ёш авлодин коммунистик руҳда тарбиялашнинг ҳал қилувчи званоси» деган темада доклад қилди. Липецк шаҳридаги 3-мактабнинг илмий мудири Н. М. Черкасск мактаб, оила ва жамоатчиликнинг болаларини тарбиялаш соҳасида биргаликда олиб борган иш тажрибаси тўғрисида гапирди. «Ташеельмаш» заводи партия комитетининг секретари С. И. Рудюк «Завод, оила ва мактаб» деган темада доклад қилди. Москва шаҳри Красная Пресня район иж-

роия комитетининг раиси В. В. Федоров район ижроия комитети бошлари назоратчилигини қай тарикка тугатганини тўғрисида сўзлаб берди. Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари Т. Орнгов «Комсомол ва ўсмирларни тарбиялаш тўғрисида доклад қилди. Съезднинг тўққиз секцияси ишга киришди. Съезднинг ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР маориф вазири Э. Қ. Қоди-ров катнашдилар. (ЎзТАГ).

## РАСМИЙ ХАБАРЛАР

Л. И. БРЕЖНЕВ ГДР  
ЭЛЧИНИН КАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 17 сентябрда Германия Демократик Республикасининг ССРдаги элчиси Ўртоқ Х. Виттерини унинг илтимосига кўра қабул қилди ва у билан дўстона суҳбатлашди.

А. Н. КОСИГИН, ХИНДИСТОН  
ЭЛЧИНИН КАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 17 сентябрда Хиндистоннинг Совет Иттифоқидagi элчиси Т. Н. Каулини унинг илтимосига кўра қабул қилди ва Хиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги можаро масаласи юзасидан у билан суҳбатлашди. (ТАСС).

ГДР ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ  
ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

МОСКВА, 17 сентябрь. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Германия Демократик Республикасининг Давлат негизининг Раиси Ўртоқ Валтер Ульбрихт бошчилигидаги Германия Демократик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукуматининг тақдирига биноан, расмий визит билан бутун Москвага келди.

Внуково аэродромда немис дўстларини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари, партия, давлат ва жамоат арбоблари, пойтахт меҳнатшарикларининг жуда кўп вакиллари кутиб олдилар.

Аэродромда Л. И. Брежнев билан В. Ульбрихт ўртоқлар дўстона нутқ сўзладилар.

БИРМАЛИК МЕҲМОНЛАР ЗАПОРОЖЬЕДА

МОСКВА, 17 сентябрь. (ТАСС). Расмий визит билан СССРда меҳмон бўлиб турган Бирма Иттифоқи революцион кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси генерал Не Вин бутун ерталаб самолётида Запорожьега учиб кетди. Бирма ҳукумати бошлиғи ва сафарда унга ҳамроҳ бўлган Бирма давлат арбоблари бутун кундуз Запорожьега келишди.

ЕШ АДИБЛАР СЕМИНАРИ

Тошкентда Ўзбекистон ёш ёзувчиларининг кенгаш-семинари ўз ишини тамомлади.

Кенгаш-семинар қатнашчилари ўн кун давомида ўз ижодий ишларини муҳокама қилдилар, чинакам бадиий маҳоратга эришиш йўллари ҳақида гапирдилар. Семинарда республиканинг етаси адиблари бўлган нутқлар ижодкор ёшларимиз учун фойдали бўлди. Ёш авторлар Тошкентдаги завод ва фабрикаларга бориб, бу ерда ўз китобхоналари билан учрашдилар.

17 сентябрда кенгаш-семинар қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига қабул қилинди. КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоллигига қандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов ёш ёзувчилар билан суҳбатлашди. (ЎзТАГ).





